

Сайловчилар билан учрашув ўтказилди



Термиз туманидаги «Учқизил» маҳалласида Халқ депутатлари Термиз тумани депутати 5-Учқизил округидан сайланган депутат Абдураимова Муҳаббат ҳамда маҳалла фуқаролари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони юзасидан давра суҳбати ўтказди.

Давра суҳбатида мазкур Фармон – маҳаллий даражада давлат ҳокимиятини трансформация қилишга, том маънода халқчил тизимни жорий этишга қаратилган муҳим сиёсий ислохотларнинг мантиқий давоми эканлиги таъкидлаб ўтилди.